

## Болгарда мусулмон ёшларнинг XVI форуми ўтказилади



18:27 / 15.08.2023 1101

Жорий йилнинг 16 август куни Татаристон Республикаси мусулмонлари диний идораси қароргоҳида XVI Бутунроссия мусулмон ёшлар форумининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Форум иштирокчиларини Татаристон Республикаси муфтийсининг биринчи ўринбосари Илфар ҳазрат Ҳасанов, «Ажал Буфкеран» жамғармаси (Марокаш) магистри, профессор, шайх Абдурраҳим Лакрим, Татаристон Республикаси мусулмонлари диний идораси ижтимоий ривожланиш бўлими мудир ва Татаристон Республикаси инновацион ривожланиш бошқармаси бошлиғи Ойгул Биктимироваларнинг табрик нутқлари режага киритилган.

Форум 16-23 август кунлари Болгарнинг қадимий шаҳрида чодирлар шаҳарчаси шаклида мусулмонлар ўртасида хайрия ишлари мавзусида ўтказилади. Унда Индонезия, Миср, Лондон, Қрим Республикаси, Бошқирдистон, Кабардино-Балкария (Налчик), Чувашия ва Татаристон, шунингдек, Перм ўлкаси, Москва, Астрахан, Владикавказ, Свердловск

вилояти, Ижевск, Йошкар-Ола, Самара ва Ханти-Мансийскдан 18-30 ёш атрофидаги 100 га яқин иқтидорли ёшлар иштирок этади.

Форум Россияда уммат манфаати учун ижтимоий лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш учун платформага айланади. Яъни, ёш мусулмонларга ижтимоий стартапларни амалга оширишнинг турли босқичларида қандай «пакетлаш»ни ўргатади: булар грант танловларида қатнашиш учун тақдим этилиши мумкин бўлган ғоя ёки тайёр лойиҳалар бўлиши мумкин.

Мусулмон ёшлар форуми натижаларига кўра, энг яхши лойиҳалар танлаб олинади. Форум дастуридан диний билим олиш, илмий-маърифий маърузалар, тренинглари, маҳорат дарслари, TED ва дебатлар, кинозал ва китоб клуби, саёҳат ва экскурсиялар ўрин олган.